# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

кун келишини бир неча ўн йиллар мобайнида кутишган эди. Ниҳоят, бу орзу Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгани шарофати билан рўёбга чиқди.

Йиғилиш қатнашчилари шундай мураккаб объектни жуда қисқа муддатларда бунёд этиш Президент Ислом Каримов томонидан бу масалага улкан аҳамият берилганлиги, меъморлар ва қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли амалга ошганлигини таъкидладилар. Янги бино улуғвор иншоот бўлиб, унда ўзбек миллий меъморчилигининг энг яхши анъаналари, халқимизнинг асрлар қаъридан бизгача етиб келган бетакрор санъати намоёндир. Бино энг замонавий электрон техника билан жиҳозланган. Парламент саройи ҳақли равишда кейинги йилларда қадимий ва навқирон Тошкентда бунёд этилган бир қатор улуғвор ва ўзига хос бинолар қаторидан ўрин олиб, барча ҳамюртларимизнинг фахрига айланиши, шак-шубҳасиздир.

Йиғилишда Олий Мажлиснинг ўнинчи сессиясини ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтказиш муҳимлиги таъкидланди. Қонуншуносларнинг иши учун қулай шароитлар яратиш, янги парламент биносидаги мажлислар залини, бошқа хоналарни ўз вақтида тайёрлаш, ташкилий-техник тайёргарликни, сессия қатнашчиларига бошқа хизматлар кўрсатишни ҳам юксак даражада олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Чунончи, "Рада-Мажлис" овоз бериш электрон тизимини пухта текшириш, фақат депутатлар учун эмас, балки ҳукумат аъзолари, бошқа таклиф этилган меҳмонлар, дипломатия корпуси, шунингдек, республика ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун зарур шароитлар яратишнинг муҳимлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари сессияни ўтказиш даврида депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларнинг овқатланишини, транспорт хизмати ва бошқа хизмат турлари кўрсатишни ташкил этиш масалаларини муҳокама қилдилар. Олий Мажлиснинг сессияси каби жуда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда ҳеч қандай майда-чуйда масалалар бўлмаслиги, шунинг учун ҳам тайёргарлик ишларига жалб этилган барча хизматларни қайта-қайта пухта текшириб кўриш лозимлиги таъкидланди.

Сўзга чиққанлар қонунлар лойиҳалари юзасидан депутатлардан тушган ҳамда матбуотда ёритилган мақолаларда билдирилган таклифлар ва фикр-мулоҳазаларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш, уларни ўз вақтида умумлаштириб, парламент муҳокамасига киритилаётган ҳужжатларда ҳисобга олиш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Бунда сессияга тааллуқли ҳужжатларнинг барча лойиҳалари депутатларга жўнатилганлиги айтиб ўтилди.

Ишчи гуруҳи таркибидаги кичик гуруҳлар раҳбарлари Б. Наимов, Ў. Ҳошимов, И. Кочмарик ва Х. Тошев амалга оширилган ишлар тўғрисида йиғилиш қатнашчиларига ҳисоб бердилар. Улар йиғилганларни сессия бошланишигача қолган вақт мобайнида барча тайёргарлик тадбирлари тўла ниҳоясига етказилади, деб ишонтирдилар.

Депутатлар ишчи гуруҳи йиғилиши қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўнинчи сессиясини муваффақиятли ва самарали ўтказиш учун бутун куч-ғайратларини сарфлашлари тўғрисида якдиллик билан фикр билдирдилар.

# ЯНГИ ЙИЛ, ЯНГИ БИНО, ЯНГИ ҚОНУНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда)

сессияси муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш, сессия материалларини депутатлар ва таклиф этилганларга барвақт топширилишини ташкил этиш, сессия қатнашчилари томонидан билдирилган мулоҳаза ва таклифларни умумлаштиришга доир материалларни тайёрлаш, сессия материалларини таржима қилиш, таҳрир этиш, мажлислар залида синхрон таржимани таъминлаш, оммавий ахборот воситаларида сессия иши билан боғлиқ ахборотлар ҳамда материалларнинг эълон қилинишини ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш, шунингдек депутатларни меҳмонхоналарга жойлаштириш, уларга транспорт, тиббиёт ва бошқа хил хизматлар кўрсатилишини таъминлаш, Олий Мажлис янги биносини таъмирлаш ва уни ниҳоясига етказишга доир масалалар билан шуғулланишмоқда.

Сессия ўтадиган кун маълум этилиб, ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланганидан кейинги давр ичида ишчи гуруҳи ва кичик ишчи гуруҳларининг бир нечта йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда нафақат кичик гуруҳлар раҳбарларининг ахборотлари, балки тегишли республика ташкилотлари раҳбарларининг ҳисоботлари ҳам эшитилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, ишчи гуруҳи аъзолари сессияни кўнгилдагидек ўтказиш учун барча имкониятлардан оқилона фойдаланишга ҳаракат қилишди.

**— Хабарингиз бор, Президентимиз Конституциямиз қабул қилинган куннинг беш йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилишда сўзлаган нутқида 1998 йилни Оила йили деб эълон қилди. Оила йилида Оила кодекси лойиҳасининг тайёрланишида рамзий маъно бордек...**

— Аввало, шу нарсани фахр-ифтихор билан таъкидлаш лозимки, юртбошимизнинг 1998 йилни Оила йили деб аташ ҳақидаги таклифи республикамизнинг ҳар бир фуқаросига чексиз қувонч бахш этди. Оила авваламбор жамиятнинг асосий пойдеворидир. Мустаҳкам пойдевор эса жамиятнинг барқарорлиги, осойишталиги, давлатнинг келажаги демакдир. Оиланинг муқаддас ва мустаҳкам бўлиши унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила манфаатларининг ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш, оналик ва болалик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқдир.

Сессия кун тартибига биринчи ўқишда киритилаётган Оила кодекси лойиҳаси ҳажм жиҳатидан анча салмоқлидир: у саккиз бўлим, 33 боб, 256 моддадан иборат. Оила кодекси оилани мустаҳкамлаш, оилавий муносабатларда ўзаро ҳурмат, ишонч, ҳамжиҳатлик қарор топиши, баркамол авлодни вояга етишида оила ва жамиятнинг вазифаларини такомиллаштириш, оиланинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш, эр-хотиннинг мулкий ва шахсий ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, ота-оналар ҳамда фарзандларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар қатнашадиган оилавий муносабатлардаги ҳуқуқ ва бурчлари акс этган кенг қамровли ҳуқуқий ҳужжатдир.

Оила кодекси лойиҳаси жойларда катта қизиқиш, синчковлик ва диққат-эътибор билан ўрганилмоқда. Бу эса келгуси йилда оиланинг жамият тараққиётидаги аҳамиятини ошириш, иқтисодий, ижтимоий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатларини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Кодекс лойиҳасида миллий урф-одат ҳамда анъаналаримиз ҳам ўз ифодасини топган.

**— Сессия кун тартибидаги яна қандай қонун лойиҳалари ҳақида гапиришни истар эдингиз?**

— Сессия муҳокамасига юқорида қайд этганимиздек, қишлоқ хўжалигига тааллуқли бир қатор қонун лойиҳалари ҳам киритилмоқда. Ер кодекси лойиҳаси, Қишлоқ хўжалик корхоналарининг санацияси тўғрисидаги қонун лойиҳаси, Деҳқон хўжалиги тўғрисидаги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги масалалар ана шулар жумласидандир.

Маълумки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, ерга, мулкка бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш, ерларнинг шўрланиш миқдорини пасайтириш, қишлоқ хўжалигини тўлиқ замонавий техника билан таъминлаш долзарб масалалар сирасига киради. Шу боис қонун лойиҳаларида деҳқон ҳуқуқини ҳимоя қилиш, эркин ишлаш, ердан олинадиган ҳосилдорликни ошириш, етиштирилган маҳсулотдан манфаат кўришнинг ҳуқуқий жиҳатларини таъминлаш каби масалалар асосий қоидалар сифатида белгиланган.

Табиат ва унинг бағридаги барча жонли-жонсиз мавжудотларни асраш бугунги кунда умуминсоний моҳият касб этаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Экологик муаммолар чиндан шундай даражага етдики, у бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятидан том маънодаги интеграцияни талаб қилмоқда. Экология соҳасидаги интеграцияни вужудга келтиришнинг ибтидоси эса муайян мамлакат ёки минтақада уни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланишнинг ҳуқуқий асосини яратиш ва унга қатъий амал қилишдан иборатдир. Сессия кун тартибига киртилган ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун лойиҳаларининг яратилишини мамлакатимизнинг умуминсоний моҳият томон қўяётган яна бир муҳим қадами сифатида баҳолашни истардим.

Сессия кун тартибига киритилган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. У аввалги сессияда биринчи ўқишда қабул қилинганидан кейин жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди. Лойиҳа матбуот ҳамда жойларда атрофлича муҳокама қилинди. Лойиҳани иккинчи ўқишда тайёрлашда журналистларнинг ҳам кўпдан-кўп таклифлари инобатга олинди. У қабул қилингач, журналистларнинг фаолиятида ҳар жиҳатдан қўл келади, деб умид қиламиз.

**— Президентимиз Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги нутқларида навбатдаги сессия Олий Мажлиснинг янги биносида ўтиши ҳақида сўз юритган эдилар...**

— Тўғри. Парламентимиз, дарҳақиқат, ўз биносига эга бўлди. Буни зўр мамнуният билан таъкидлашни истар эдим. Катта ҳажмда қурилиш ишлари амалга оширилди. Ушбу бино пойтахтимизнинг кўрки, миллий ва замонавий меъморчиликнинг намунасигина бўлиб қолмай, мамлакатимизда бунёд этилган улуғвор бинолар қаторидан ўрин олиб, ҳамюртларимизнинг фахрига айланади деган умиддамиз. Халқ ноиблари бунинг учун энг аввало Президентимиздан миннатдор бўлмоқдалар.

**— Рўзномамиз муштарийларига тилакларингиз?**

— Мана Янги, 1998 йилга ҳам саноқли кунлар қолди. Фурсатдан фойдаланиб, ҳаммангизни ушбу айём билан чин қалбимдан муборакбод этаман. Келаётган йил Оила йили деб эълон қилинган экан, барча оилаларга сиҳат-саломатлик, тинчлик-тотувлик ҳамроҳ бўлсин. Рўзғорларидан қут-барака аримасин. Иймон-эътиқод доимо ҳамроҳ бўлсин.

**«Халқ сўзи» мухбири Исмат ХУДОЁРОВ суҳбатлашди.**

# УЛГУРЖИ БОЗОРЛАР МУАММОЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

чиқарувчилар ва тадбиркорлар республика палатаси, "Ўзулгуржибиржасавдо", республика товар-хомашё биржаси ва бошқа бозор тузилмалари иштирок этмоқда. Қурилаётган чораларга мувофиқ равишда республикада "Карвон сарой" тусидаги улгуржи қишлоқ хўжалиги бозорлари барпо этилмоқда, чакана улгуржи савдо корхоналари ишлаб турибди, биржа ярмарка савдолари мунтазам ўтказилмоқда.

Бироқ бозор инфратузилмаси бўғинлари ҳозирча маҳсулотларни, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш борасидаги фаолиятини етарли даражада мувофиқлаштиргани йўқ, бу ҳол агросаноат мажмуи бўлинмаларининг иши сустлигини кўрсатади, деб таъкидланди мажлисда. Воситачи ташкилотлар имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти, ишда расмиятчиликка, бошқа нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Мажлисда улгуржи савдони самарали ташкил этиш, маҳсулот етиштирувчилар ва ишлаб чиқарувчилар, воситачилар, истеъмолчилар нуқтаи назарларини бир-бирига яқинлаштириш, республикамизда рақобат муҳитини вужудга келтириш ва экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА)

# АБУ ДАБИЛИК ИШБИЛАРМОНЛАР МАМЛАКАТИМИЗДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби амирлиги Савдо-саноат палатаси фахрий президенти шайх Султон бин Халифа бин Зоид ал-Наҳаян бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасига ташриф буюрди.

Қўмита раисининг ўринбосари М. Мирсоатов меҳмонларга мамлакатимизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида гапириб берди. Шунингдек, меҳмонлар хорижий сармоялар бўйича Агентлик фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Учрашувда ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

* * *

Шайх Султон бин Халифа бин Зоид ал-Наҳаян раҳбарлигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси А. Йўлдошев билан ҳам учрашди.

Учрашувда икки мамлакат ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Абу Дабилик тадбиркорлар "Ўзбекнефтгаз" миллий корпорацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида ҳам музокаралар ўтказдилар.

(ЎзА)





*Нурчилар шаҳри — Шириннинг ташкил этилганига 25 йил тўлди. Ҳозир бу ерда 15 минг аҳоли истиқомат қилмоқда. Шаҳарда республика аҳамиятига молик бир неча корхона мавжуд. Сирдарё ГРЭСи, Фарҳод ГЭСи, машинасозлик заводи шулар сирасига киради.*

**СУРАТЛАРДА:** *Сирдарё ГРЭСи ёнилғи узатиш машинисти Роҳатой Ғанибоева ва смена бошлиғи Раъно Мирзохолова; «Сирдарёэнерготаъмир» корхонасининг 5-разрядли электр пайвандчиси Сергей Полуянов; шу корхонанинг мутахассислари (чапдан) А. Давлаченко, М. Ниёзалиев, Е. Рабеков ва М. Маматкаримовлар.*

**Қ. АБДУҚУНДУЗОВ олган суратлар.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 23 декабрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 51,99 |
| 1 Австрия шиллинги | 6,40 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 133,09 |
| 10 Бельгия франки | 21,75 |
| 1 Голландия гульдени | 39,78 |
| 10 Греция драхмаси | 2,84 |
| 1 Дания кронаси | 11,76 |
| 1 БАА дирхами | 21,71 |
| 1 АҚШ доллари | 79,74 |
| 1 Миср фунти | 23,49 |
| 1 Ирландия фунти | 116,32 |
| 1 Исландия кронаси | 1,11 |
| 10 Испания песети | 5,31 |
| 100 Италия лираси | 4,57 |
| 1 Канада доллари | 55,64 |
| 1 Хитой юани | 9,63 |
| 1 Қувайт динори | 261,61 |
| 100 Ливан фунти | 5,24 |
| 1 Малайзия ринггити | 20,83 |
| 1 Германия маркаси | 44,82 |
| 1 Норвегия кронаси | 10,95 |
| 1 Польша злотийси | 22,83 |
| 10 Португалия эскудоси | 4,39 |
| 1 Сингапур доллари | 47,65 |
| 1000 Туркия лираси | 0,39 |
| 1 Финляндия маркаси | 14,84 |
| 1 Франция франки | 13,39 |
| 1 Швеция кронаси | 10,25 |
| 1 Швейцария франки | 55,53 |
| 1 ЭКЮ | 88,63 |
| 10 Жанубий Корея вони | 0,48 |
| 10 Япония иенаси | 6,15 |
| 1000 Россия рубли | 13,41 |
| 1 Украина гривнаси | 42,06 |
| 1000 Беларусь рубли | 2,61 |
| 1 Эстония кронаси | 5,60 |
| 1 Латвия лати | 135,15 |
| 1 Литва лити | 19,94 |
| 1 Қозоғистон тенгеси | 1,06 |
| 1 Қирғизистон соми | 4,58 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

● *НУҚТАИ НАЗАР*

# ТАРИХИЙ ТАМОЙИЛЛАР

**Маълум миллат ва элатнинг муайян бир даврда бошқа йирик давлат тасарруфида бўлганлиги ҳақида тарихдан истаганча мисоллар келтириш мумкин. Аммо мустақилликка эришгач, ўз иқтисодий, сиёсий йўлини тополмай, мушкул вазиятга тушиб қолган давлатлар ҳам кўп. Бугунги кунда МДҲдаги баъзи мамлакатларда юз берган аҳвол фикримиз далилидир. Лекин давлатчиликда бир неча минг йиллик тажрибага эга бўлган ўзбек миллати тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлади. Бунда баъзиларга ўхшаб, маслаҳат учун «қўшни»никига ёки «катта оғалари»никига чиқмади, аксинча, ўз миллатининг тарихан мужассамлашган азалий тажрибасига таянди.**

Мамлакат тараққиётига баҳо беришда аслида 20-30 йиллик давр ҳам қисқалик қилади. Аммо ўтган олти йил мобайнида Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги ўзига хос йўли ҳақида жаҳон ҳамжамияти қатъий фикрга келди — уни тан олди.

Хўш, бунга нималар асос бўлди? Ҳаммамизга маълумки, чет эл мутахассислари, сиёсий арбоблар жаҳоншумул воқеликлар сабаб бўлмаса, қатъий хулоса чиқаришмайди. Биз эса, мазкур даврда, биринчидан, амалий соҳада қатор ютуқларни қўлга киритдик, иккинчидан, бозор иқтисодиётига ўтишда назарий дунёқарашимизга эга бўлдик. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, жаҳондаги бошқа қатор нуфузли халқаро ташкилотлар аъзоси сифатида ўз сиёсий мавқеини мустаҳкамлаган Ўзбекистон Ҳамдўстликнинг бошқа мамлакатларидан фарқли ўлароқ, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ҳам пасайиш даражасини тўхтатиб, халқ хўжалигининг устувор тармоқлари бўйича ўсишга эришяпти. Энг муҳими, хомашё базаси, аграр хўжаликдан индустриал иқтисодга шиддат билан ўтиб бормоқда.

Жаҳон ҳамжамияти республикамизнинг иқтисодий соҳада барқарор ривожланиб бораётганлигини тан олган ҳолда, масаланинг бошқа томонига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Яъни, ўзбек халқининг қанчалик яхши яшаши ҳақидагина эмас, балки унинг янги тафаккури, бозор иқтисодиётини қай тарзда қабул қилаётгани хусусида ҳам жиддий қизиқмоқда. Ва, табиийки, юртимизда рўй бераётган кундалик воқеалар, чоп этилган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий мавзулардаги китоблар, матбуот чиқишларини синчковлик билан ўрганиб бормоқда.

Бугун оламшумул ғоялар амалиётда ўз натижаларини бераётганлигини кўрган чет эллик олимлар, иқтисодчилар, сиёсатдонлар унинг бош муаллифи — Президентимизнинг барча йирик асарларини чоп эттирмоқдалар ва ушбу асарлар қўлдан-қўлга ўтиб, ўқувчиларнинг диққат-эътиборини тортмоқда.

Йўлбошчимиз мустақил давлатчилигимизнинг биринчи кунлариданоқ жаҳон ҳамжамиятига **«Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишда ўзига хос йўли бор»**, — деб айтган эдилар. Бу йўлнинг асл моҳияти нимада? Аввало, бозор иқтисодиётига ўтишнинг дастлабки босқичида аҳолини ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш бош вазифа этиб белгиланди. Ва бу борада меҳнат ресурсларининг 60 фоизидан кўпроғи қишлоқ хўжалиги билан банд бўлган республикада аҳолига суғориладиган майдонлардан томорқа учун бепул ер ажратилиши жуда катта воқеа бўлди. Бунда, албатта, шаҳар аҳолиси ишлаб чиқариш ва савдо билан кун кўриб, ҳаёт мезонини сақлаб қолса, қишлоқ аҳли томорқасини тиклаб, мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сотиш эвазига ўзини ҳимоя қилиш мумкинлиги кўзда тутилади. Шунинг учун биз такрор ва такрор таъкидлаймизки, инсон манфаатлари мустақиллигимизнинг асл мақсади ва бош тамойили ҳисобланади. 1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани эса бу йўлдаги яна бир муҳим қадамдир.

Умуман, ўтган йиллар мобайнида амалга оширилган қатор тадбирлар, чунончи, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлида яратилган жаҳоншумул назарий янгиликлардан бири юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ўтиш даври беш тамойилининг амалдаги натижаси, деб билмоқ керак. Бу тамойиллар ўзаро боғлиқликда бўлиб, бир-бирини тўлдириб борадиган узвий жараёндир.

Мазмунан оддий ва содда ифодаланган ушбу тамойиллар аслида халқимизнинг азалий орзулари эди. Кундалик ҳаётда «аввал иқтисод, кейин сиёсат» деб юрардиг-у, лекин асосий дарслик сифатида «Сиёсий иқтисод»ни ўқирдик. Чунки А. Смит, Д. Рикардо, К. Маркс, Ф. Энгельс ва бошқа казо-казоларнинг барчаси иқтисодни сиёсатдан келтириб чиқарганди. Бизнинг мақсадимиз оддий ҳақиқатни таъкидлаш орқали XVII—XX аср иқтисод фани намояндалари назариясининг бирламчи нуқтаси нотўғри қўйилганлигини таъкидлашдир.

Фикримизнинг далили сифатида XIX—XX аср мутафаккирларининг иқтисод соҳасида очган кашфиётларини бугунги кун мезони билан таҳлил этишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Масалан, улар қўшимча қиймат назариясида «Товар меҳнат маҳсулидир, қиймат сарфланган меҳнат билан ўлчанади ва қўшимча қиймат эксплуатация натижасида вужудга келади», дейишганди. Лекин бу назария социализм даврида исботланмади. Аксинча, «Қўшимча қиймат соф маҳсулот сифатида намоён бўлиб, у жамиятимизда эксплуатациянинг йўқлиги эвазига халқ фаровонлигига йўналтирилади», деб ўзимизни алдаб келдик.

Аслида ишлаб чиқариш ҳеч қачон фақат ишлаб чиқариш ниятида эмас, балки маълум даромад олиш мақсадида олиб борилади. Акс ҳолда, ҳеч қандай ривожланиш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш жойларини ташкил этиш мумкин бўлмас эди. Ёки ишлаб чиқаришдан даромад олинмаса, унда ноишлаб чиқариш соҳасини қандай қилиб ушлаб туриш мумкин? Демак, ҳар қандай ишлаб чиқариш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, маълум даражада даромад олишга асосланган экан, унда ҳеч қандай эксплуатация даражасини ўлчамасдан, тўғридан-тўғри тақсимлашни йўлга қўя билиш керак эди. Иқтисод ишлаб чиқаришга асосланган экан, у фойда олади. Гап фойдани тақсимлай билишда, демакки, устқурманинг қандай қонунларга асосланганлиги ва кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишига боғлиқ.

Хулоса қилиб айтганда, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тарихий тамойилларнинг яна бир жаҳоншумул аҳамияти шуки, бу иқтисодий назарияни сиёсатдан ажратиб ўрганишни бизга дастуруламал қилиб берганидир. Энг муҳими, мазкур тамойиллар ҳеч бир фуқаро манфаатларини четлаб ўтмайди, аксинча, уни ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, шу мақсад йўлида изчил амалга оширилмоқда.

**Ашур ҚОДИРОВ, иқтисод фанлари доктори.**

## ОЛИМНИНГ ТАДҚИҚОТЛАРИ

Навоий Давлат кончилик институтида шу олий ўқув юрти конметаллургия факультетининг декани Соиб Абдураҳмонов докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унинг тадқиқотлари қазиб чиқарилаётган рудадан олтин, сурма ва бошқа фойдали элементларни янада самаралироқ ажратиб олишга кўмаклашади.

Шуни таъкидлаш лозимки, илгариги вақтда, мамлакатимиз мустақилликка эришмасдан олдин, фақат Москвадагина бундай жиддий мавзуда диссертация ёқлаш ва фан доктори илмий даражасини олиш мумкин эди.

**Ёркин УМАР, ЎзА мухбири.**

«ПГС» ФИРМАСИ
ТАКЛИФ ЭТАДИ


Тел.: (3712) 79-14-29, 79-38-54.
"С. Раҳимов" метро бекати.

